

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 11 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пулатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Lutfillaev Hamidillo Murodillaevich</i> “ЖАВОҲИР АТ-ТАФСИР ЛИ ТУҲФАТ АЛ-АМИР” АСАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА	12-17
<i>Эгамбергенов Ҳайтбой Ҳамидулло ўғли</i> ТОШ ДАВРИ АҲОЛИ МИГРАЦИЯЛАРИ (ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ, ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ВА ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДЛАРИ МИҚЁСИДА)	18-25
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i> ҚО‘ҚОН ХОНЛАРИ СУЛОЛАСИНИНГ ГЕНЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	26-31
<i>Mamatqulov Bekzod</i> О‘ЗБЕКИСТОНДА XX-АСРНИНГ 20-40-ЙИЛЛАРИДА СANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI VA KADRLAR TARKIBINI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARI	32-38
<i>Asadova Ra‘no Baymanovna</i> О‘ЗБЕК- HIND MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO‘TARILISHI: HAMKORLIK ISTIQBOLLARI	39-42
<i>Saidova Raxima</i> О‘ЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ MUNOSABATLARINING ME‘YORIY-HUQUQIY MANBALARI ...	43-48
<i>Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich, Ergasheva Ra‘no Muzaffarbek qizi</i> AFROSIYOB ARXEOLIGIK YODGORLIGINING O‘RGANILISH TARIXI	49-55
<i>Iriskulov Bekzod Jaxongirovich</i> TURKISTON GENERAL-GUBERNATORLIGI BYUDJETINING SARFLANISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	56-60
<i>Mirsoatova Sayyora Turg‘unovna</i> QOYATOSH SURATLARIDA IBTIDOIIY DAVR IQTISODIIY HAYOTINING AKS ETISHI	61-66
<i>Луҳмонов Шаҳзод Сайфиддин ўғли</i> ВЛИЯНИЕ ДЕНЕЖНОЙ ЭМИССИИ В 1918-1920 ГОДАХ НА СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ НАРОДОВ ТАССР	67-71
<i>Axmedov Bekzod</i> SOVET HOKIMIYATI TOMONIDAN O‘ZBEKISTONDA QORAKO‘LCHILIKNI RIVOJLANTIRISH TADBIRLARI.....	72-75
<i>Mamatov Jasurbek Qodirqul o‘g‘li</i> NAMANGAN VILOYATI ZIYORATGOHLARINING AHOLINING IJTIMOIIY HAYOTIDAGI O‘RNI (UYCHI TUMANI DEVONA BUVA ZIYORATGOHI MISOLIDA)	76-80
<i>Saidaxmatov Sharifbek Toshpo‘latovich</i> SURXONDARYO VILOYATI SANOATINI RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINING ASOSIIY YO‘NALISHLARI	81-88

Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич
ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ПАЛЕОМЕТАЛЛ ДАВРИ ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАБИИЙ
РЕСУРСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 89-93

Akrorov Botir Bakhodirovich
ДОГОВОРНО-ПРАВОВАЯ БАЗА СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИРАНА
В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ 94-99

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Tursunov Bekmuxammad Omonovich
IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLAR SHAROITIDA SANOAT KORXONALARI
RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASH MEKANIZMI TAKOMILLASHTIRISH 100-108

Muxitdinova Kamola Alisherovna
«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AJDA ISHLAB CHIQRILADIGAN
MAHSULOTLARNING SANOAT KORXONALARIDA QO'LLANISHI 109-115

Madraximov Qaxramon Egamberganovich
INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH ORQALI IQTISODIY BARQARORLIKKA
ERISHISH YO'LLARI: XORAZM VILOYATI MISOLIDA..... 116-125

Кетманов Авазбек Маликович
КИЧИК БИЗНЕС МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 126-134

Xolmirzayev Abdulxamid Xapizovich
KAMBAG'ALLIKKA QARSHI KURASHISHNING OMILLARI..... 135-142

Bahriddinov Jahongirbek Ravshanjon ogli
MARKET MECHANISMS, METHODS OF PRICE FORMATION IN THE SYSTEM OF MARKETING
OF GOODS AND SERVICES 143-152

Ilhamova Zarnigor Po'latjon qizi
MINTAQA TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETING TIZIMINI
TASNIFI 153-160

Sharipov Komil
MINTAQAVIY KAMBAG'ALLIKNI KAMAYTIRISHDAGI KICHIK BIZNESNING ROLI 161-170

Rajabov Navruzbek Azimjonovich
MAISHIY XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANISHI VA KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI 171-179

Mirzaeva Shirin Nodirovna
SUPPORT AND DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN
UZBEKISTAN..... 180-187

Pardayev Rasulbek Islomovich
TURIZM XIZMATLARI SIFATINI BAHOLASHNING USULLARI VA ULARNING
TAHLILI 188-196

Bahodirov Shohruh Bahodir o'g'li
SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION FAOLIYATNI BOSHQARISH
XUSUSIYATLARI 197-202

<i>Рахимов Бахромжон Ибрахимович</i> ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ	203-209
<i>Zakirova Gulnora Mirzalievna, Madaminov Abdulaziz Anvarjon o'g'li</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA EKSPORT VA IMPORT SALOHİYATI (NAMANGAN VILOYATI TAHLILIDA).....	210-216
<i>Hasanov Ilkhom Isakovich</i> IMPROVING THE FINANCING MECHANISM OF THE SCIENTIFIC SUPPLY SYSTEM IN THE AGRICULTURE OF UZBEKISTAN.....	217-221
<i>Ibragimova Nilufar Ziyadullayevna</i> CHAKANA SAVDO KORXONALARIDA XIZMATLAR KO'RSATISHNING XUSUSIYATLARI	222-227
<i>Maxmudov Jasurbek Ergashevich</i> INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINI MOLİYAVIY JIHADAN QO'LLAB-QUVVATLASH TAHLILI	228-233
<i>Ravshanov Nodirjon Begalievich</i> TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING AHAMIYATI	234-243
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOVIDDIN SUHRAVARDIY FALSAFIY QARASHLARIGA IJTIMOYIY-SIYOSIY VAZIYATLARNING TA'SIRI	244-248
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i> XORAZM JADIDLARI MA'NAVIY MEROSINING YANGI O'ZBEKISTONDA YOSHLARINI VATANPARVARLIK VA BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI.....	249-254
<i>Saburov Jaloliddin</i> XVIII-ASR OXIRI VA XIX-ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA ILM-FAN VA MADANIY HAYOT RIVOJI	255-260
<i>Jabborov Ikromjon Jumaniyozovich</i> NAJMIDDIN KUBRO TA'LIMOTIDA "KOMIL INSON " TARBIYASI VA UNING AXLOQIY VA MA'NAVIY YUKSALISHGA OID G'OYALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	261-265
<i>Saidkulov Nuriddin Akramkulovich</i> FORMATION OF PERSPECTIVES REGARDING SOCIETY'S STABILITY	266-271
<i>Adilov Zafar Yunusovich</i> MAHMUD AZ-ZAMAHSARIY QARASHLARIDA SUV VA SHIFOBAXSH MEVALAR MASALASI	272-277
<i>Yuldashev Farrux Abdurakhmanovich</i> ON THE QUESTION OF THE UNIQUE ROLE OF THE PRINCIPLES OF HUMANITY AND PATRIOTISM IN THE DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF THE FUTURE OF THE YOUNG GENERATION	278-282
<i>Ganiyev Baxodirjon Sodiqjonovich</i> TADBIRKORLIK MADANIYATINING SENSUALISTIK VA AKSIOLOGIK XUSUSIYATLARINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI	283-287

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

<i>Baxronova Dilrabo</i> PROTOTURKIYLARNING AMERIKA QIT'ASIGA KO'CHISHI: LEKSIK PARALLELLIZM VA ETIMOLOGIK-SEMANTIK TADQIQ	288-295
<i>Daliyeva Madina</i> DETERMINANTS OF COGNITIVE MODELING OF POLYSEMY OF LINGUISTIC TERMS IN ENGLISH, UZBEK, AND RUSSIAN LANGUAGES	296-300
<i>Paluanova Khalifa</i> STRATEGIES FOR ENHANCING PRAGMATIC COMPETENCE IN SECOND LANGUAGE ACQUISITION (SLA) THROUGH EFFECTIVE APPROACHES	301-306
<i>Ravshanov Maxmud</i> СЕМАНТИКА ГЛАГОЛОВ В «ДИВАНИ ЛУГАТ-ИТ ТУРК» МАХМУДА КАШГАРСКОГО	307-311
<i>Bekbergenova Gulaim Aijarikovna</i> SEMANTIC CLASSIFICATION OF ENGLISH AND KARAKALPAK ANTHROPOCENTRIC PROVERBS	312-318
<i>Normamatov Farrux Komiljon o'g'li</i> MURAKKAB USLUBDAGI ASARLAR XUSUSIYATLARI VA UNDA FORMALIZM YONDASHUVI	319-322
<i>Gulamova Dilobar Imamkulovna</i> ADABIYOT DARSLIKLARDA EVFEMIZMLARNING QO'LLANILISHI VA TAHLILI	323-326
<i>Xolmuxamedov Baxtiyor</i> TERS LUG'ATLARNING ASOSIY XUSUSIYATI VA ULARNI TUZISH METODIKASI	327-334
<i>Chorieva Iroda Kurbonboevna</i> KASALLIK NOMLARI VA BELGILARI KELITIRILGAN INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI	335-339
<i>Ganiyeva Orzigul Hayriddinovna</i> XX ASR AMERIKA REALISTIK QISSACHILIGIDA POETIK KONSTRUKSIYA: SHAKL VA MAZMUN MASALASI	340-345
<i>Rasulova Kamola</i> ПОНЯТИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ. ВИДЫ АВТОРСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ	346-353
<i>Омонов Турғунбой</i> “СУҒУРТА” ТЕРМИНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ	354-358
<i>Хакбердиева Сайёра Фармоновна</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ОБЪЕКТИВИЗАЦИЯ ФРЕЙМА «МАТЬ» И «ОТЕЦ» В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	359-364
<i>Xolmirzayev Baxtiyor Mirzamahmudovich</i> IJTIMOIY-SIYOSIY ASAR TARJIMASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	365-370
<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> CHALLENGES OF TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S "GOOD OMENS"	371-376
<i>Abdullaeva Sevara Makhsudaliyevna</i> EMOTIVE INTENSIFIERS OF ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES	377-381

Baymuradova Gulbahar Chari Qizi

SURXONDARYO VILOYATI FITOTOPONIMLARINING STRUKTURGRAMMATIK

TAHLILI 382-385

Yuldasheva Nigora Bahodirovna

INGLIZ VA O'ZBEK PAREMIYALARINI O'RGANISHNING AKSIOLOGIK JIHATLARI 386-390

Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi

ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA POETIK OBRAZLAR TAHLILI 391-396

12.00.00 – YURIDIK FANLAR*Ruzmetov Xayruлла*

FUQAROLARNING ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ЎУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ 397-402

Ачилова Лилия Илхомовна

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛИК-ЎУҚУҚИЙ

МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УНИФИКАЦИЯСИ ЧЕГАРАЛАРИ

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА 403-410

Abdubannayev Umidjon

АХВОРОТГА ВО'ЛГАН ИНСОН НУҚУҚЛАРИНИ ТА'МИНЛАШНИНГ

РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ 411-421

Халиқулов Комолиддин Носирович

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШДА

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ 422-427

Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли

ХОДИМЛАР МЕЎНАТ ЎУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА

ТЕКШИРУВИ ТУШУНЧАСИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР 428-433

Элмурзаев Билолиддин Нурмон ўғли

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ

МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ 434-439

Djumaniyazova Dilfuza Kamalovna, Shayakubov Shomansur Shakabilovich

ЎТМОЙ НАВФ ГУРУНГА КИРУВЧИ YOSHLAR O'RTASIDA НУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА

ҚАРШИ КУРАШИШ ВО'ҲИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИВА 440-446

Алиев Асилбек Кадирович

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ (СОЦИАЛЬНЫЕ) ПРЕДПОСЫЛКИ И КОРНИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ

АЗАРТНЫХ ИГР СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ 447-451

Нодирахон Абдурахманова

РЕГУЛИРОВАНИЕ ФИНТЕХА И КРИПТОВАЛЮТ: ОСНОВНЫЕ ВЫЗОВЫ И ПРАВОВЫЕ

АСПЕКТЫ 452-462

Ғайбуллаев Сохибжон Ғайбуллаевич

РЕПО БИТИМЛАР – ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМ СИФАТИДА УМУМИЙ ТАВСИФ 463-469

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI*Xusanova Mohira*

ОЛИЙ О'ҚУВ YURTLARIDA ТАЛАБАЛАРНИ ВАНОЛАШ ШАКЛИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 470-479

<i>Берикбаев Алишер Аликулович</i> ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	480-483
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i> TALABALARNING TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA IJODIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI	484-489
<i>Yakubova Nafisa Odilyanovna</i> CHIZMACHILIK DARSLARIDA TALABALARNI IJODIY-KREATIV FIKRLASHGA O'RGATISH	490-494
<i>Musirmanov Shohboz Usmon o'g'li</i> TURIZM SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA AMALIYOT VA NAZARIYANING PEDAGOGIK UYG'UNLIGI	495-500
<i>Suvankulov Umid Ilxom o'g'li</i> MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA PEDAGOGLARNING DISKURSIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI	501-505
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHGA KOGNITIVFUNKSIONAL YONDASHUV	506-518
<i>Jo'rayeva Feruza Baxtiyor qizi, Mavlonov Shaxzod Shahobiddin o'g'li</i> TA'LIMDA KOMMUNIKATIV INNOVATSION VOSITALAR VA ULARNING IMKONIYATLARI	519-524
<i>Siddiqova Shahnoza Ahmedovna</i> SCIENCE XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARINING O'ZBEKISTONDA BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING TABIIY FANLAR SAVODXONLIGINI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIRI	525-529
<i>Xoliqov Nasriddin Abdikarimovich</i> MILLIY IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING SHARTI SIFATIDA TA'LIM, FAN VA BIZNESNING O'ZARO ALOQALARI MAZMUNI	530-534
<i>Javliyeva Shahnoza Bahodirovna</i> TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELII	535-539
<i>Jumaboev Nabi Pardaboevich</i> TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELII	540-545
<i>Kayumov Erkin Kazakbayevich</i> THE IMPORTANCE OF FINE ARTS IN SHAPING STUDENTS' PERCEPTION AND CREATIVITY	546-550
<i>Khojamqulov Rasulbek Kurban ugli</i> THE NEED TO DEVELOP COMPETENCY OF FUTURE ENGINEERS USING COMPUTER GRAPHICS	551-555
<i>Latipova Gavhar Shavkat kizi</i> TARIX YO'NALISHI TINGLOVCHILARI UCHUN KREATIV SALOHİYATNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	556-564
<i>Ernazarov G'olibjon Ne'matovich</i> ATROF- MUXITNING YUKORI XARORATIDA MUSHAK FAOLIYATI	565-568

Received: 31 October 2024
Accepted: 5 November 2024
Published: 15 November 2024

Article / Original Paper

STONE AGE POPULATION MIGRATIONS (IN THE CONTEXT OF THE SOUTHERN AND SOUTHWESTERN REGIONS OF CENTRAL ASIA AND THE LOWER REACHES OF THE AMU DARYA)

Egamberganov Khaytboy Hamidullo ugli

Karakalpak State University named after Berdak, Department of Archeology, doctoral student

Abstract. This article addresses the issue of population migration from the south (from the Middle East and Iran) to the southern and southwestern regions of Central Asia and the lower reaches of the Amu Darya River during the Stone Age. The main focus is on the causes, stages, and directions of migration waves, as well as the findings of researchers studying this historical process. The article presents evidence that the first wave of migration is associated with the Late Paleolithic and Mesolithic periods, while the second wave corresponds to the Neolithic period. It specifies which territories were affected by these waves and their significance in establishing cultural connections and uncovering the historical roots of cultures. All of this is substantiated by archaeological materials obtained during the research.

Keywords: Stone Age, population migrations, causes of migration, stages and waves of migration, Middle East and Iran, Southern Turkmenistan, Eastern Caspian region, Lower Amu Darya, cultural connections, genesis of culture.

ТОШ ДАВРИ АҲОЛИ МИГРАЦИЯЛАРИ (ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ, ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ВА ҚУЙИ АМУДАРЁ ХУДУДЛАРИ МИҚЁСИДА)

Эгамберганов Ҳайтбой Ҳамидулло ўғли

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети “Археология” кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақола Ўрта Осиёнинг жанубий, жанубий-ғарбий ва Қуйи Амударё худудларига жанубдан (Яқин Шарқ ва Эрондан) тош даврида содир бўлган аҳоли миграциялари масаласини ёритишга бағишланган. Бунда миграцияларнинг сабаблари, босқичлари ва йўналиш тўлқинлари ва бу тарихий жараён бўйича соҳа тадқиқотчилари ишларининг натижаларини келтиришга эътибор қаратилган. Миграциянинг 1-тўлқини сўнгги палеолит ва мезолит даври, 2-тўлқин неолит даври билан боғлиқлиги ва улар қайси худудларни қамраб олгани, шунингдек уларнинг маданий алоқалар ва маданиятлар тарихий илдизларини ойдинлаштиришдаги аҳамияти тадқиқотларда қўлга киритилган археологик материаллар билан асосланганлиги ҳақидаги фактлар келтирилган.

Калит сўзлар: Тош асри, аҳоли миграциялари, миграция сабаблари, миграция босқичлари ва тўлқинлари, Яқин Шарқ ва Эрон, Жанубий Туркманистон, Шарқий Каспий буйи, Қуйи Амударё, маданий алоқалар, маданият генезиси.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I11Y2024N02>

Кириш. Ер шарининг кенг масшабли континенти турли табиий ландшафт, иқлимий шароит ҳамда ўсимлик ва ҳайвонат дунёсига эга. Вақт кесимида магнитли кутбларнинг алмашинуви, тектоник жараёнларнинг фаоллашуви географик ландшафт ва экологик шароитларнинг кескин ўзгаришларига олиб келган. Бу жараёнлар нафақат

ҳайвонлар миграциясини, балки ўсимлик дунёсининг алмашинувини ҳам келтириб чиқарган. Тадқиқотлар кўрсатишича, одамларнинг қадимги миграциялари иқтисодий, ижтимоий-демографик, экологик-табиий омиллардан келиб чиққан. Хусусан, табиий манбалардан фойдаланиш, хўжалик заруриятлари мақсадларида тош даври жамоаларининг миграциялари юзага келган. Қадимги тош асри аҳолисининг баъзан қитъаларнинг катта майдонларини қамраб олган мураккаб миграцияларига нима сабаб бўлган? Мутахассислар кўрсатишича, бу сабабларни палеолит овчиларининг моддий турмуш шароитларидан, ижтимоий ҳаётдан ва хўжалик фаолиятдан изламоқ лозим. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг паст даражада ривожланганлиги ҳамда тош асри овчилари, терувчилари ва балиқчиларининг ўз истеъмоли учун зарур бўлган катта ер майдонларига эҳтиёжи туфайли, аҳолининг табиий кўпайиши маълум, энг қулай ҳудудларда муқаррар равишда янги ерларни излашга ва одамларни янги ҳудудларга жойлашишига олиб келган. Л. Морганнинг таърифига кўра, аҳоли ўсиши тирикчилик учун воситалар етишмаслигига олиб келганда, аҳолининг ортиқча қисми янги жойларга кўчиб ўтишган.

Қадимги овчи қабилаларнинг тарқалиши, айниқса сўнгги палеолит даврида жуда кенг ҳудудий миқёсга эга бўлган. Мусте даврига нисбатан кейинги тарихий босқичларда овчилик техникасининг янада такомиллашуви аҳоли сонининг ўсишига олиб келган. Бу эса, ўз навбатида, қадимги манзилгоҳларга яқин ҳудудларда ов қилинадиган ҳайвонлар сонининг камайишига олиб келган. Бу ҳолат асосан ер шарида музлик даврининг охирида, улкан қуруқлик майдонлари муздан озод бўлаётган пайтда содир бўлган. Миграцияга имкон берган жиҳатлардан бири бу ов қуролларининг такомиллашгани ҳамда одамларнинг ўз турмушларини яхшилаш борасидаги ихтиро, кашфиётлар эди. Аниқроғи, энди илгаригидан анча такомиллашган махсус ов қуроллар ишлатила бошланган. Ҳайвонларни тутиш учун турли воситалар, жумладан найза отгич, найза ва улоқтиргич найзаларнинг суяк учлари, ов ўралари, тўр ва тўсиқлар ишлатилган. Оловни сунъий йўл билан ҳосил қилишнинг турли усулларини одамлар билишган. Ибтидоий одамлар қишга мўлжалланган мустақкам доимий турар жойларни ҳам, тери-чарм билан қопланган кўчма енгил чодирларни ҳам қуриш маҳоратини эгалладилар. Пай иплари билан тикилган мўйнали кийимлар турмушда ишлатила бошланган. Буларнинг барчаси биргаликда инсонга илгари мўтадил ва илиқ иқлимли ҳудудлардан ташқарига узоққа чиқишга йўл қўймайдиган оғир табиий шароитлар олдида қўйган қийинчиликларни енгиб ўтиш имконини берди.

Турли ҳудудларнинг фаол ўзлаштирилиши, аҳоли сонининг кўпайиши, ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ривожланиши натижасида, одамларнинг ҳаёт манбаи – табиий ресурсларнинг чегараланиши (хўжалик эҳтиёжи, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасининг пасайиб бориши, ўсимликлар, сув манбалари, бўз ерларнинг камлиги) миграцияларга сабаб бўлган. Тарихий жараёнлар тадқиқоти шундан далолат берадики, туб жой аҳоли маданиятлари миграциялар натижасида янги анъаналар билан бойиган, уларнинг моддий маданиятга, хўжалик мазмуни, моҳиётига таъсири ҳам сезилган.

Кишилик тарихида рўй берган бундай миграцияларни Ўрта Осиё ҳудуди миқёсида амалга оширилган тадқиқотларда ҳам кузатиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили ва методика. Жаҳон тарихшунослигида кишилик тарихи ривожда энг қадимги даврлардан содир бўлган миграциялар мазмуни, уларнинг келиб чиқиши сабаби, омиллари ва оқибатларини ўрганиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала ва унинг муаммолари Н.Я.Мерперт, В.П.Алексеев, А.В.Виноградов, А.П. Деревянко, В.М. Массон, Ф. Биглари, В. Жаҳани, С. Шидранг, Р.В. Деннелл, В. Ринк, М. Отте, Ў. Исломов, Р.Х. Сулейманов каби олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз аксини топган [1].

Хусусан, таниқли археолог Н.Я.Мерперт энг қадимги миграциялар ва уларнинг рўй бериш сабаблари, омиллари, жамият ривожини тутган ўрни ҳамда инсон ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари борасида тадқиқотларни олиб бориб, миграцияларни 3 та моделга бўлади. Тадқиқотчининг кўрсатишича, 1-модулга кўра миграциялар табиий шароитларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлган экологик омиллар таъсирида содир бўлган. Қуршаб турган табиатнинг кескин ўзгариши (музликнинг силжиши, чекиниши, сув ҳавзаларининг кенгайиши ёки таройиши), ландшафт, иқлимнинг ўзгариши (намликнинг ошиши, ҳавонинг қуруқлашуви, совуқлашуви, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариши), табиий офат (сейсмик ҳодисалар, сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, эпидемиялар) кабилар экологик инқирозлар ҳисобланиб, ўз навбатида аҳоли миграцияларини келтириб чиқарган. Ушбу модель миграциясининг асосий шаклини кўчиш деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, бу миграциялар улар қамраб олган ҳудудларда туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга олиб келмайди, балки уларга таъсир этади. 2-модул бўйича миграция асосан иқтисодий омилларда ўз мазмунини топиб, биринчи навбатда, бир қатор соҳаларда ишлаб чиқариш хўжалиги турларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши билан боғлиқ бўлди ва бу инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларида янги босқични белгилаб берди. Ишлаб чиқарувчи хўжалик тарқалиши натижасида, у қамраб олган ҳудудларда аҳоли сони кескин ўсди, демографик портлаш юз берди ва оқибатда, ортиқча аҳоли ишлаб чиқариш кучларига босим ўтказди. Айнан шу ҳолат иккинчи модель миграцияларининг асосий сабабига айланди ва уларни муқаррар қонуниятга айлантирди. Табиий ресурслардан сифат жиҳатидан янги фойдаланиш инсоннинг уларга мақсадли таъсири, уларни сунъий равишда кўпайтириш ва янги ҳудудларга тарқалиши (дон экинларини этиштириш, табиий ўсадиган тоғ этакларидан дарё водийларининг унумдор тупроқларига тарқалиш, ҳайвонларни хонакилаштириш) билан бошланди. Яйловчилик ишларининг ривожланиши ва доимий равишда кенгайиши муқаррар равишда миграциялар билан боғлиқ. Бу омиллар маълум даражада миграция йўналишларини белгилаб берди. 3-модел бўйича миграциялар ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий омиллар таъсирида юз берган. Биринчи омил, турли ишлаб чиқариш хўжалиги тизимларининг мавжудлиги бўлиб, бу кенг ҳудудларда аҳоли сонининг сезиларли ўсишига олиб келди, аммо бу тизимлар ўз мазмуни ва самарадорлиги жиҳатидан дунё минтақалари бўйича бир хил эмас эди. Масалан, Қадимги Дунёнинг бу ривожланиш учун энг қулай бўлган ҳудудлари Ўртаер денгизи бўйлари, Яқин Шарқ ҳисобланиб, бу ҳудудларида деҳқончилик-чорвачилик хўжалиги ва унинг негизида шаклланган маданиятларнинг тараққиёти юқори даражасига етган [2; 9-29-б].

Таниқли антрополог олим В.П.Алексеев ўз тадқиқотларида одамлар ва уларнинг жамиятининг пайдо бўлиши, қадимги миграциялар ҳақида муҳим маълумотларни келтирган [3].

Таниқли археолог олим А.П.Деревянко ўз тадқиқотида палеолит даврида 3 та глобал миграция оқими бўлганлигини кўрсатган. Олимнинг кўрсатишича, қадимги ҳомоларнинг биринчи миграция Африкадан Евросиёга 1,8-1,6 миллион йил олдин рўй берган, лекин бу вақт мабойинида Африкадан битта эмас, балки иккита миграция оқими ҳаракатланган: бири кварц-бўлак ва иккинчиси илк палеолит микролитоид ёки микролит индустрияси билан характерланган. Қадимги одамлар популяциясининг иккинчи миграцияси ашел индустриясининг Евросиёда тарқалиши билан боғлиқ бўлган. Илк ашел бифаслари Евросиёда (Исроилнинг Убеидия макони) тахминан 1,4 миллион йил аввал, Европада эса тахминан 600 минг йил олдин пайдо бўлган. Марказий ва Жанубий Осиёга улар янада кейинроқ, тахминан 400-350 минг йил аввал кириб келган. Учинчи глобал миграция оқими замонавий анатомик ва генетик турдаги одамнинг тарқалиши билан боғлиқ бўлган. Бу масала бўйича моноцентрик фаразга кўра, замонавий турдаги одам Африкада пайдо бўлган ва бундан 80-60 минг йил олдин унинг бошқа қитъаларга тарқалиши бошланган. А.П.Деревянконинг фикрича, бир соҳадаги илмий натижаларнинг аҳамиятини мутлақлаштириш ва бошқа соҳадаги ютуқларни эътиборга олмаслик тадқиқотда боши берк йўлдир. Фақатгина инсоннинг жисмоний тузилиши, унинг маънавий ва моддий маданиятининг шаклланиши ҳақидаги илмий билимларнинг уйғунлашуви инсоният жамиятининг сўнгги 2,5 миллион йил давомидаги ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли тарихининг холис манзарасини ярата олади [4].

Таниқли археолог олим Р.Ҳ.Сулейманов кўрсатишича, инсоният тарихида Шимолий Африка ва Марказий Европадан Мўғулистонгача ҳамда Шарқдаги Хуанхе водийсигача чўзилган кенг дашт ва чала дашт ҳудудлари бўйлаб инсон пайдо бўлишидан анча илгари ёввойи туёқли ҳайвонларнинг улкан подалари кўчиб юрган. Кейинчалик дастлабки гоминидлар, илк овчилар ва термачиларнинг ҳам айнан шу йўналишлардан миграциялари рўй берган. Олимнинг фикрича, чопқиларни билмаган Африкадан келган илк вакиллар ҳам ривожланишда давом этишган. Уларнинг Ўрта Осиёдаги излари Тожикистон жанубидаги Кулдара ва Қоратоғда ҳамда Жанубий Қозоғистоннинг Қоратоғ ва Қизилтоғ ён бағирларида топилган клетон туридаги индустриялардан иборат. Улар миллион йилликнинг иккинчи ва учинчи қисмига тўғри келади. Кейинчалик бу индустриялар Тешиктош ва Оби-Раҳмат каби ўрта палеолит ҳамда сўнгги палеолитга оид Самарқанд макони индустрияларига эволюция йўли билан ўтганлар [5; 9-11-б].

Материаллар. Ўрта Осиёнинг жанубий сарҳадларида Яқин Шарқ ва Эрондан палеолит, мезолит ва неолит даврларида рўй берган миграциялар ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар мавжуд [6]. Хусусан, Ўрта Осиё мустъе даврига оид Тешиктош ҳамда Сирдарё ўрта оқими бир қатор ёдгорликлари тош қуроллари кўп жиҳатлари билан Ироқ, Фаластин, Сурия ёдгорликлари тош қуролларига ўхшашлиги тадқиқотларда қайд этилган [7; 81-б]. Шу ўринда, сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даврларида Жанубий Туркманистон, Шарқий Каспий бўйи, Оролнинг жанубий ҳудудлари, Қуйи Амударё сарҳадларига рўй берган қадимги аҳоли миграцияларининг

ҳам ўзига хос аҳамият касб этганлигини айтиш мумкин. Ушбу миграцияларни бу тарихий даврлар моддий, маънавий маданиятлари мазмун, моҳияти, маданий алоқалар, маданиятлар шаклланиши тарихий илдизларида кузатишимиз мумкин. Бу ҳақда А.П.Окладников, С.П.Толстов, А.В.Виноградов, В.М.Массонларнинг тадқиқотлари маълумот беради [8].

Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, мазкур миграцияларнинг 1-тўлқини Шарқий Каспий бўйи материаллари асосида сўнги палеолитнинг охири даврлари ва мезолит даври бошларида яшаган аҳолилар билан боғлиқ бўлган. Г.Ф. Коробкова томонидан ўтказилган Каспий бўйи мезолит ёдгорликлари тош индустриясининг қиёсий-типологик тадқиқоти натижаларига кўра, бу илк тўлқинни аста-секин, босқичма-босқич кечган деб тахмин қилиш мумкин. Аниқроғи, сўнги палеолит охири ва мезолит бошларида фақат айрим, табиат жиҳатидан энг қулай ҳудудлар, жумладан, доимо чучук сув манбалари топиш мумкин бўлган Орол ёни тепаликлари ҳудудлари ўзлаштирилган. Аҳолининг миграцияси шимолий йўналишда Шарқий Каспий бўйи қирғоқлари, Устюртнинг ғарбий чинклари бўйлаб ва платонинг айрим ҳудудлари орқали давом этган. Бу жараён сўнги палеолит ва илк мезолит даврларига оид топилмалар билан асосланади. Ўрта Осиёнинг аллювиал пасттекисликлари бу даврда етарлича ўзлаштирилмаган, чамаси бу ҳудудлар аҳоли жуда кам ва вақтинча бўладиган жойлар ҳисобланади. Бу ҳолат археологик текширув ишларида ҳам эътироф этилган.

Мунозара (таҳлил) Ўрта Осиёнинг шимолий пасттекислик қисмида мезолит охири - илк неолит давридан бошлаб илдиз отган бир қатор маданиятлар илмий адабиётларда ўз ифодасини топган. Ўрта Осиё пасттекисликларининг катта қисмини қамраб олган бу маданиятлар, мутахассислар таъкидлашганидек, кечроқ содир бўлган, жанубдан кўчиб келишнинг янги тўлқини ҳақида гапиришга асос беради. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, жанубдан содир бўлган аҳоли миграциясининг 2-тўлқини археологик жиҳатдан анча аниқроқ ўз асосини топган ва у эрамиздан аввалги VIII-VI (ёки VII-VI) минг йилликларга тўғри келади. А.В.Виноградовнинг таъкидлашича, бу тўлқин жараёни бир томондан дастлабки ўтроқ деҳқончилик маданияти тарқалган ҳудуднинг (Яқин Шарқ ва Эрон) марказий ва шарқий ҳудудларида илк деҳқончилик маданиятларининг нисбий кўпайиши, бошқа томондан эса бу ҳудуднинг шимоли-шарқий томонида иқлим ўзгариши билан боғлиқ қулай экологик муҳитнинг пайдо бўлиши билан алоқадордир. Миграция йўллари ҳозирда чўлга айланган Марказий ва Шарқий Эрон тоғликларини қамраб олганлиги факти мавжуд. Кўчиб ўтаётган аҳоли гуруҳлари ишлаб чиқарувчи хўжалик асослари билан таниш бўлган. Масалан, бу жараён жойитунликлар ишлаб чиқариш хўжалиги ривожланишига дахлдор бўлган. Оюкли маданияти жамоалари турмушида ҳам ишлаб чиқариш хўжалиги элементлари бўлганлиги факти ҳам шу фикрни қувватлашга хизмат қилади [9; 162-б].

Шу ўринда жануб миграциясининг 2-тўлқини жараёни фойдасига маълумот берувчи Жойтун маданиятининг келиб чиқиши тарихий илдизлари масаласини келтириш ўринли ҳисобланади. Бунда ушбу маданиятнинг асосий тадқиқотчиси бўлган В.М.Массоннинг хулосалари муҳим. Аниқроғи, тадқиқотчи Туркман-Хуросон тоғлари ён дараларида "фаразий прото-жайтунликлар" деб мезолит жамоалари моддий маданияти изларини топаолмагач, у Копетдоғ этакларидаги текисликларда шаклланган жойтун неолит жамоаларининг моддий маданиятига Каспийбўйи мезолити ягона манба эмас

деб ҳисоблайди. У Жойтуннинг Яқин Шарқнинг илк деҳқончилик маданиятлари билан яқин ўхшашлигига асосланиб, унинг келиб чиқишини Яқин Шарқ ҳудудидаги бошқа Жойтун маданиятига яқин бўлган илк деҳқончилик маданиятларининг шаклланиши контекстида, кенг асосда кўриб чиқади ва улар билан боғлайди. Каспийбўйи неолит комплекслари масаласида В.М. Массон Жабал материалларида Жойтун маданиятига алоҳида яқинликни кўради. Унинг фикрича, Жабел ва Жойтун бир умумий илдизнинг шохлари бўлиб, фақат хўжаликдаги фарқлар баъзи турдаги чақмоқтош буюмларида тафовутларга олиб келган [10; 62-77-б].

Қуйи Амударё Оқчадарё ҳавзаси калтаминор неолит маданияти соҳибларининг моддий маданиятини атрофлича ўрганган А.В.Виноградов ушбу жанубдан бўлган аҳоли миграциянинг иккита йўли бўлганлиги фактини археологик манбалар асосида айтишга илмий асослар бор деб ҳисоблайди. Унинг кўрсатишича биринчи миграция йўли анъанавий бўлиб, Каспий денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб ва унга туташ ҳудудлар орқали ўтади, иккинчиси эса шарқроқ йўналишга эга бўлиб, Амударё ва Зарафшон дарёлари бўйлаб боради. Шарқий йўл вариантлари, тош қуроллари, сопол идишлар аналоглари билан қаторда, шохсимон трапециялар каби ўзига хос турдаги чақмоқтош геометрик шаклдаги қуролларнинг тарқалганлигини асословчи фактор сифатида келтиради. Келтирилган ҳудудлар мезолит-неолит даври аҳолиси миграцияси масаласида А.В.Виноградов томонидан калтаминор жамоалари маданиятининг келиб чиқиши тарихий илдизлари ҳақида ушбу ҳудуд миқёсида унинг шаклланишига асос бўлган мезолит мажмуаларини аниқлаш ҳақида билдирган фикри ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда унинг ҳудудга тааллуқли мезолит ёдгорликлари топилмаганлиги, лекин нисбатан яқинроқ масофада бўлган Каспий бўйи Жабал мезолит жамоалари маданияти муайян рол ўйнаганлиги ҳақида келтирилган маълумотлари диққатга сазовордир. Аниқроғи, А.В.Виноградов кўрсатишича, Жабал ғор маконининг учинчи ва тўртинчи қатламларидаги чақмоқтош қуроллари Калтаминор қуролларига жуда ўхшашлиги фактидан келиб чиқиб, Каспий бўйи қабилаларининг Узбой бўйлаб шимолга кўчиши ва уларнинг Қуйи Амударё ҳамда Сарикамиш ҳудудларини ўзлаштириши Калтаминор маданиятининг шаклланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Лекин, А.В.Виноградов катта эҳтимол билан кенг ҳудудга тарқалиб яшаган калтаминор тарихий-маданий жамоалари маданияти шаклланишида ҳали археологлар томонидан аниқланмаган маҳаллий мезолит жамоалари маданияти асос бўлганлиги фактини назардан қочирмасликни таъкидлайди [11; 161-163-б]. Ушбу фактик материаллар ҳам маълум маънода қадимги аҳоли миграциялари ҳақида маълумотлар беради деб ўйлаймиз.

Юқорида келтирилганидек, жанубдан содир бўлган аҳоли миграцияси Амударё, Қизилқум ва Қуйи Зарафшон дарёлари бўйлаб йўналишга эга бўлган. Бу миграция Хоразм археология экспедициясининг ўтган аср 60-70-йиллари тадқиқоти натижасида қўлга киритилган археологик материаллар асосида тасдиғини топган. Хусусан, А.В.Виноградов калтаминор тарихий - маданий жамоаси моддий маданиятининг 3 та маҳаллий маданий вариантлари аниқлашга ва уларни илмий асослашга эришган (Оқчадарё, Лавлакан ва Қуйи Зарафшон) [12; 165-б].

Биз юқорида жанубдан (Яқин Шарқ ва Эрон) Ўрта Осиёнинг Жануби ва Жанубий-Ғарбий қисмига рўй берган аҳоли миграциялари ҳақида имконият даражаси

маълумотларни келтирдик. Шу ўринда, кейинги йилларда Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳаси сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даври ёдгорликлари тадқиқотида қўлга киритилган материаллар асосида Самарқанд сўнгги палеолит макони соҳибларининг бир томондан дарё бўйлаб унинг қуйи оқими томон силжигани ва шу асосда Чорбақти ўзани мезолит даври жамоалари маданияти (Чорбақти ёдгорликлари) шаклланишига, иккинчи томондан жанубга, Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида мезолит даври жамоалари маданияти (Сазоғон 1, Замичатош, Қоракамар, Очилғор макони) шаклланишига асос берганлиги факти аниқланганлиги ҳам диққатга сазовар [13; 175-193-б]. Бундай аҳоли силжишларига Зарафшон дарёси қирғоқлари ва тоғ ён бағирлари ўсимлик, ҳайвонот, парранда дунёсига бойлиги, қуроллар ясаш учун хом ашё топиш омиллари изн берган деб ўйлаймиз.

Хулоса. Биз юқорида жанубдан (Яқин Шарқ ва Эрон) Ўрта Осиё Жануби ва Жанубий-Ғарбий қисмига рўй берган аҳоли миграциялари (жойтун ва калтаминор тарихий маданий жамоалари маданияти шаклланиши ва ривожланишига дахлдор бўлган) ҳақида имконият даражаси маълумотларни келтирдик. Шу маълумотлар асосида қуйидагича хулосаларни келтириш мумкин:

1. Кишилиқ тарихи ривожда одамлар қадимги миграцияларининг сабаблари иқтисодий, ижтимоий-демографик, экологик-табiiй омиллар билан яқиндан боғлиқ бўлганлиги аниқланган.

2. Одамларнинг ҳаёт манбаи – табiiй ресурсларнинг чегараланиши (хўжалиқ эҳтиёжи, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасининг пасайиб бориши, ўсимликлар, сув манбалари, бўз ерларнинг камлиги), экологик инқирозлар – табиат, ландшафт, иқлимнинг кескин ўзгариши, табiiй офатлар аҳоли миграцияларини келтириб чиқарган омиллардан эканлиги факти аниқланган.

3. Миграциялар тош буюмлар индустрияси хусусиятлари, тош индустрия ва маълум турдаги тош қуроллар (масалан: ашел индустрияси, бифаслар, микролит индустрия, геометрик шаклдаги қуроллар (шоҳли трапеция), хўжалиқнинг янги тури (ишлаб чиқариш хўжалиги), сопол идишлар (ясаиш шакли, усули, нақшлари) билан узвий боғлиқ тарзда содир бўлганликлари факти аниқланган.

4. Сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даврида Яқин Шарқ ва Эрон худудидан Ўрта Осиё Жануби ва Жанубий-Ғарбий қисми, Амударё этакларига икки босқичда аҳоли миграцияси (миграция тўлқини) рўй берганлиги тадқиқотларда аниқланган.

Хоразм археология экспедицияси тадқиқотларида 2-тўлқин билан боғлиқ бўлган Жанубий Туркменистон Жойтун маданияти ва Қуйи Амударё, Қизилқум ва Қуйи Зарафшон воҳаси Калтаминор маданиятининг маданий алоқалари ҳамда ушбу маданиятлар келиб чиқиши тарихий илдизлари тўғрисида маълумотлар берувчи фактик материаллар қўлга киритилишига эришилган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мерперт Н.Я. Миграции в эпоху неолита и энеолита // СА. – М., 1978. – № 3. – С. 9-27; Виноградов А.В. О распространении раннеэнеолитических комплексов дарьясайского типа (по материалам работ 1970 г.) // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1972. Вып. 1. – С. 32-34.; Деревянко А.П. Три глобальные миграции человека в Евразии. Том 1,2,3 / Отв. Ред. М.В. Шуньков. Новосибирск: Изд-во института

- археологии и этнографии СО РАН, 2015, С. 612; 2017, С. 884; 2018. С. 572; Biglari F., Jahani V. The Pleistocene human settlement in Gilan, southwest Caspian Sea: Recent Research // Eurasian Prehistory. – 2009. – Vol. 8. – P. 3–18; Biglari F., Shidrang S. The Lower Paleolithic Occupation of Iran // Near Eastern Archaeol. – 2006. – Vol. 69, N 3/4. – P. 160–168; Dennell R.W. Early Hominid Landscapes in Northern Pakistan: Investigations in the Pabbi Hills. – 2004. – 454 p. – (BAR Intern. Ser.; N 1265); Dennell R.W. The Palaeolithic Settlement of Asia. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2009. – 548 p.; Rink W. Early Homo and associated artefacts from Asia // Nature. – 1995. – Vol. 378. – P. 275–278; Otte M., Biglari F., Alipour S., Naderi R., Hosseini J. Earliest human occupations in Central Asia: An Iranian look // Археология и палеоэкология Евразии. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2004. – С. 279–282.
2. Мерперт Н.Я. Миграции в эпоху неолита и энеолита // СА. – М., 1978. – № 3. – С. 9-27.
 3. Алексеев В.П. Становление человечества. Москва: Издательство политической литературы, 1984. - 461 с.
 4. Деревянко А.П. Три глобальные миграции человека в Евразии. Том 1,2,3 / Отв. Ред. М.В. Шуньков. Новосибирск: Изд-во института археологии и этнографии СО РАН, 2015, С. 612; 2017, С. 884; 2018. С. 572.
 5. Сулейманов Р.Х., Узбекистан на перекрестке древних миграций. Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: Меросийлик ва инновация. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2019, Б. 9-11
 6. Толстов С.П. Древний Хорезм // По следам древних культур. – М., 1951. – С. 169-208. 361; Массон В. М. Средняя Азия и Древний Востоку / Отв. ред. Б. Б. Пиотровский. М-Л.: Изд-во Наука, 1964. 469 с.
 7. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неондертальца в гроте Тешик-таш, южнқй Узбекистан. В кн.: Тешикташ. М.: 1949, С. 81.
 8. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: 1948. С. 71-72; Массон В. М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики). - МИА, 1971, № 180, с. 62, 63, 76, 77; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. Изд. Наука, М.: 1981.С.160-166, рис. 60.
 9. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. Изд. Наука, М.: 1981.С.162.
 10. Массон В. М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики). — МИА, 1971, № 180, с. 62, 63, 76, 77.
 11. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. Изд. Наука, М.: 1981.С.161-163.
 12. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. Изд. Наука, М.: 1981.С.165.
 13. Холматов Н.У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. СамДУ нашриёти, Самарқанд, 2020, Б.175-193.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).